

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 41 (10.341)

2005 ЙИЛ 1 МАРТ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА Сатрларда

● **КЕЧА** Акмал Икромов туманидаги 317-мактабда ўтказилган "Сиз ҳамиша барҳаёт-сиз" мавзусидаги адабий кеча академик ёзувчи Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.

● **"СОҒЛОМ** авлод учун" жаъғармаси ҳамда Репродуктив Саломатлик маркази ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати "Соғлом она-соғлом бола" деб номланди.

● **"БУНЁДҚОР"** ёшлар телеклуби ташкил этилганлиги уч йил тўлди.

● **МИЛЛИЙ** матбуот марказида телекоммуникация соҳаси мутасаддилари ҳамда мутахассислари иштирокида мамлакатимизда Интернет провайдерлигини ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг география факультетига БМТнинг Аҳолишунослик жағғармаси томонидан замонавий румсудаги компьютер технологиялари тўхфа этилди.

● **МИСРНИНГ** Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Миср фан ва таълим марказида араб тилини ўрганувчилар иштирокида беш босқичли кўрик-танлов ташкил этилди.

● **235-МАКТАБДА** "Тошкент" телеканалининг "Тўрт қарра йўк" акцияси асосида ёшларни зарарли одатлардан сақлашга қақирувчи тадбир ўтказилди. Ушбу тадбир Юнусобод туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БАДИЙ** академиянинг марказий кўрғазмалар залида санъат илосмандлари эътиборига халқ амалий санъати усталари томонидан яратилган асарлар кўрғазмаси намойиш этилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** 24-Меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар учун хайрия тадбири уюштирилди, санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

● **КЕЧА** 5-Болалар санъат мактабида мусиқа ва санъат йўналишидаги болалар таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида Мухиддин Қориқубов номи Республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
муҳбирларимиз
хабарларидан.

СОФИНТИРИБ КЕЛГАНИНГ ЯХШИ

Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим:
Кўкламойим, кўкингдан бер
бир чимдим.
Қор кўйнида сени кўмсаб ўқиндим,
Кўкламойим, кўкингдан бер
бир чимдим.

Кўнглимга кўк бинафшалар
сочилсин,
Коккилига тол попуқдан соч илсин,
Бойчечакка борар йўллар очилсин—
Кўкламойим, кўкингдан бер
бир чимдим.

Хонанда кўйлайди.
— Сен баҳорни соғинмадингми?
— Соғиндик,— деймиз биз.
— Соғиндик,— дейди бутун борлик, она табиат.

Озод ва обод юртимга қутлуғ қадамлар билан кириб келаётган баҳорим. Бугун она замин сени ҳар йилдагидек интиқил билан кўтиб олмоқда. Таърифингни келтиришга тил ожиз. Сенинг хислатинг ва фазилатинг ёзинг мовий осмони, кузнинг тўкинчилиги, зумрад кишинг тароватидан минг чандон аъло. Сен фаслар ичра гўзал келинчақдек энг кўркамсан. Сен мудроқ кўнгиллارга қувонч ва шодлик улашасан. Олам-жаҳонга нур бағишлаб, кўчалар ва далаларга фойз, тароват олиб келасан. Айтишларича баҳор насимининг барвақт эсиши серҳосил ва мўл-кўллигидан дарак берад экан.

Қадамнинг сербарақа ва қутлуғ келсин баҳорим!

Бугун сенинг истиқболингга пешвоз чиқдик. Илик кўёш тафтидан яшнади олам. Бугун табиатга боқиб кўз тўймайди. Иссиқ ўлкаларда бойчечак кўз очди, бодом гуллади. Баҳор элчиси чучумома ердан бош кўтарди. Ариқ лабида майсалар яшнаб ҳадемай ялпизлар ниш ура



бошлайди. Мажнунтол куртак чиқариб, дарахлар яшил тусга қиради. Кўп ўтмай ўриклар гуллаб, далалар алвон ранг олади, чамандек очилган кирмизи лолалар билан қопланади.

Шаҳар кезиб чарчамайсан. Кўклам кайфиятидан нурафшон кўнгиллارга кенг ва равон, чарогон кўчалар, осмонўпар, мухташам бинолар ажиб бир сархушлик бағишлайди. Истиқлол шарофати ила яшнаб бораётган она заминимиздаги бу ўзгаришлар ва янгиликлардан дил яйрайди. Бугун анҳор бўйи сўлим хиёбонлар ўзгача. Ҳар баҳорда шундай бўлади. Ҳар баҳорда шу ҳол такрорланади. Шоир тили билан айтганда:

Давоми 4-5 бетларда.

ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги тайинланган аъзолари билан бўлиб ўтган йиғилишдаги нутқида эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, террорчилик, диний экстремизм ва ақидапарастиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашни янада кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Терроризмга қарши кураш дунё миқёсидаги долзарб муаммолардан бўлиб турган бугунги кунда тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронининг муҳим бурчи бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган "Террор индизи" номли ҳужжатли фильмда ана шу гоёя ўзифодасини толган, террорчиларнинг қабиҳ ният ва мақсадларини фош этилган.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги санъат саройида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари, шаҳар фаоллари, маҳалла оқсоқоллари, таълим-тарбия соҳаси вакиллари иштирокида ўтказилган маъруза фильм муҳокамасига бағишланган йиғилишда шу ҳақда сўз борди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар

бош бошқармаси бошлиғи, полковник Ф.Қодиров, Ички ишлар вазирилик матбуот маркази бошлиғи, полковник А.Эрназаров, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, шаҳар бош имом-хатиби Анвар Турсунов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида эл-юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш, адолатли фуқаролик жамиятини қарор топтириш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Динни ниқоб қилиб олган зарарли оқимларнинг таъсиридан ёшларни асраш, хусусан, Ислоҳ динининг асл моҳияти билан ақидапарастиликнинг сафсатаси ўртасидаги тафовутни тушунириш, ёшларни азалий қадриятларини рўҳида тарбиялашга қаратилган ишларни янада тақо-

миллаштириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил Сихат-саломатлик йили деб эълон этилиб, давлат дастури қабул қилинган фуқаролар манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилишда, миллий гуруҳ ва халқимизга хос меҳр-мурувват туйғуларини аҳоли, айниқса, ёшлар қалбига сингдиришда, уларни Ватанга, миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида камол топтиришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Тадбирда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат ташкилотлар, хусусан, маҳалланинг аҳамияти катта экани, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда улар билан ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Беҳзод НОРБОВ,
ЎЗА муҳбири

XXI саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилояти ҳокимлари ўринбосарлари ва туман ҳокимларининг семинар-тренинг машғулоти яқунланди.

● Фарғона вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш Президент Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги тарихи иштирокидаги кенгашида сўзланган нутқида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Фарғона вилоятини 2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари масалаларига бағишланди.

● Пойтахтда Ўзбекистон кимё саноатининг бир қатор корхоналари тақдимот маросими бўлиб ўтди. Уни «Ўзкимёсаноат» давлат-ақшидорлик компанияси (ДАК) ташкил этди.

● «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси Ўзбекистон тижорат банкларининг 2004 йилдаги молиявий фаолияти якуналарини сарҳосил қилди. Рейтингда республикадаги 32 банкнинг 26 таси қатнашди.

● Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Каратэ миллий федерацияси ҳамкорлигида каратэ бўйича Ўзбекистон бешинчи чемпионати ташкил этилди.

● Урганч шаҳрида спортнинг-авиамодел тури бўйи мамлакат биринчилиги яқунланди. Унда етти вилоятдан 60га яқин спортчи иштирок этди.

Жаҳонда

● Қирғизистонда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда 75 депутатлик ўрнига 400га яқин номзодлар дэвоғарлик қилди. Шунингдек, Тожикистонда ҳам парламент сайловлари ўтказилди.

● Исроилнинг Тел-Авив шаҳри марказидаги тунги клубда фаластинлик камикадэе содир этган портлаш натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, 40дан ортик киши жароҳатланди. Фаластин мухторияти террорчилик ҳаракатини уюштиришда гумон билан икки кишини қўлга олди.

● Чеченistonнинг Ножай юрт районида жангариларга қарши кенг қўламадаги операция уюштирилди.

● Астронавтларнинг халқаро гуруҳи кўзга кўринмас галактика кашф этилганини маълум қилди. Қорамтир материядан иборат галактикада юлдузлар йўқ. Унга VIRGOH12 номи берилди.

● Япониянинг Осака шаҳрида дунёда биринчи метеоролог робот синовдан муваффақиятли ўтди. Италияда эса худди шу вақтда экскурсовод робот фаолияти йўлга қўйилди.

● Кубада сигаралар фестивали бўлиб ўтди. Унда 50 та мамлакатдан келган мингдан ортик меҳмонлар қатнашди.

Иқтисодий

ИЧИМЛИК
СУВИНИ
ТОЗАЛАЙДИ

Маълумотларга кўра ер юзидagi сувларнинг атиги 2,5 фоизи ичимлик суви бўлиб, шунинг ҳам 70 фоизи муз ҳолатида эканлиги ичимлик сувининг нечоғлик танқислигидан далолатдир. Гоҳида ифлос ҳаво ва экологиянинг бузилишидан шу қолган тоза сувларнинг ҳам ифлосланиши, яроқсиз ҳолга келиши тайин. Шаҳримиздаги "Grintek" корхонасида айна пайтда ичимлик суви ва ҳавонинг тозаловчи замонавий асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда, эндиликда юқоридаги муаммонинг бирмунча олди олиниши шубҳасиз.

Корхона мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилаётган ушбу асбоб дунёнинг ривожланган давлатлари илмий ташкилотлари тамонидан тан олинган бўлиб, ҳозирда улар АҚШ, Германия, Жанубий Корея давлатларига экспорт қилинмоқда.

— Биргина авторучка ҳажмидаги кичик асбоб 10 тонна ичимлик сувини бактериялардан тозалаш қувватига эга, — дейди жумладан корхона раҳбари, профессор Равшан Ҳайдаров. — Бундан ташқари корхонамизда "ФВК-23", "IVK-2п" номдаги ичимлик сувини тозаловчи асбоблар билан бирга "FB2-31" рақамли ҳавони тозаловчи мосламалар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар қандай шароитда ҳам ушбу мослама ҳаводаги захарли газларни тозалайди ва об-ҳаво мусаммаклигини таъминлайди.

ЧИДАМЛИ
ҚОПЛАМАЛАР

"DESK-INVEST" Ўзбекистон—Австрия кўша корхонасида том ёпиш қопламалари ва металл-черепицаларнинг ўрта чидамли зангламайдиган турлари ишлаб чиқарилмоқда.

2003 йил ўз фаолиятини бошлаган корхонада айна пайтда 8 хил рангдаги металл черепицалар тайёрланмоқда. Финляндиядан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонага хош ашё Россиядан олиб келинади.

Ўрта Осирь иқлимга чидамли, емилмайдиган корхона маҳсулотлари ички бозоримизда ўзининг муносиб ўрнига эга. Эллик йил кафолати билан сотувга чиқарилаётган ушбу том ёпиш қопламалари, 0,5–0,7 миллиметр қалинликдаги металл черепицалари ҳар қандай иқлим шароитида ҳам зангламайди, ўз рангини сақлаб қолади.

Замон талаблари асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхона тадбиркорлари — ушбу маҳсулотлар келгусида жаҳон бозорига ҳам ўзининг доимий мавқеига эга бўлса, деган ниятда меҳнат қилишмоқда.

Орзугул РУСТАМОВА

Ҳисобот конференциялари

КАСАБА УЮШМАЛАРИ:
БЕШ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

Бугунги кунда бозор ислохотлари шароитида ҳар бир жамоат тузилмаси, у кимнинг манфаатларини кўзлашдан қатъи назар, биринчи гада кўпчилик эътиборида бўлишга ҳаракат қилади. Бу эса, табиийки, авваламбор хайрихоҳларни кўпайтиришга ва албатта, аъзолар таркибини кенгайтиришга қаратилган мақсад ҳисобланади. Бунга эришиш йўли эса бошқа масала. Дарҳақиқат, бугунги кунда жамоат ташкилотлари орасида ҳам рақобат, таъкидлаб ўтамиз — соғлом ва кучли рақобат муҳити мавжуд бўлиб, уларга ўз ўринларини, аниқроғи нуфузи ва аҳамиятини сақлаб қолиш учун фақат ҳаракат ва яна ҳаракат даркор бўлади.



Айтиб ўтишимиз лозимки, мустақиллик йилларида, фуқаролик институтлари, расмий тил билан айтганда нодавлат ва ноижорат ташкилотлари ривожланиши учун зарур ҳуқуқий жараён яратилган бир даврда уларнинг шунчаки сони ошиб бормасдан, балки фаоллиги ҳам сезиларли даражада ортмоқда. Бу эса жамоат тузилмаларининг ўз мавқеига эга бўлиб, мустақил давлатимизнинг муҳим тамойили — кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий иштирокчига айланиб бораётганидан далолат беради. Маълум бўлишича, пойтахтнинг ўзида 70 дан зиёд жамоат ташкилотлари тузилган. Дарвоқе, шулардан 27 таси — аёллар нодавлат ташкилотларидир, бунга ўйлаймизки, изоҳ жоиз эмас.

Асосий мавзуйимиз — куни кеча беш йил ичида амалга оширилган ишларини сарҳисоб қилган пойтахт касабаси уюшмалари фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, турдош ташкилотлар орасида энг кўп таърибага эга бўлган бу тузилма вакилларининг IV уюшмалараро конференцияси минбаридан туриб ўз кўлаб-қувватловчилари фойдасига айтадиган гаплари жуда кўп бўлди.

Балки, кимгадир бу унчалик эътиборли кўринмас ёки сезилмаслиги ҳам мумкин, ammo пойтахт касабаси уюшмалари фойдали меҳнатда банд бўлган аҳолининг ҳуқуқий эркинликлари ва манфаатларининг таъминланишида етакчи куч даражасини сақлаб қолаётганига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бу фикрнинг қанчалик ҳақиқатга эга эканлигини эса куйдаги рақамлар асосида англаб олиш қийин эмас.

Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши 620 минг нафардан зиёд аъзоларни ўз ичига олган 13 та тармоқ ва 5,7 минг бошланғич ташкилотларидан таркиб топган.

Конференцияда ҳисобот маърузаси билан сўзга чиққан Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши раиси Мирзохид Содиқов эришилган ютуқлар тахлилига батафсил тўхталиб ўтди.

Кейинги йилларда жойларда иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатини кўзлаб иш тутаётган бошланғич касабаси уюшмаси ўртасида янги ўзаро муносабатлар шакли жорий этилиши туфайли 435 минг нафарга яқин ишчи-хизматчиларнинг қонуний ҳуқуқлари таъминланиши устуворлигига эришилди. Гап иш берувчининг ўз ишчисига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз ичига қамраган жамоа шартномаси ҳақидадир. Бунда икки томоннинг шартномавий мажбуриятлари ижроси таъминланишида «даллол» ёки аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳаракатга солувчи кучга эга ташкилот кунигидаги бошланғич касабаси уюшмаси чиқади.

Шубҳасиз, бугунги кунда жамоа шартномаси барча корхона, ташкилот ёки муассасаларда ҳам жорий этилмаган, лекин куйдаги рақамлар, балки, кўпчилик ҳужалик раҳбарларида Тошкент шаҳар касабаси

уюшмалари Кенгаши билан фаол ҳамкорликда ўзининг ишчилари билан, яъни унинг борлигини намоён этувчи меҳнат жамоаси билан муносабатларини тиклаб олиш хоҳиш-истаги пайдо бўлишига туртки ҳам бўлиши мумкин.

Ҳисобот даврининг бошидан шу кунга қадар жамоа шартномаси амалда бўлган барча корхона ва ташкилотларда ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақи — 23 фоизга, турли имтиёзлар ва кафолатлар миқдори — 113 фоизга, соғломлаштириш мақсадларига ажратилган харажатлар — 93 фоизга ошган, меҳнат хавфсизлиги ва ҳимояси борасидаги шароитларни янада яхшилаш учун 2000 йилга нисбатан 34 фоиз кўпроқ маблағ сарфланган.

Ҳар бир ҳисобот йилнинг дастурий вазибаларини амалга ошириш доирасида ҳам кўп ишлар қилинди, жумладан бу борада асосий эътибор ишчи-хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий



кўлаб-қувватлашга, шунингдек ота-онаси қарамоғисиз қолган болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига моддий ва маънавий ёрдам беришга қаратилди.

Касабаси уюшмаларининг яна бир муҳим вазифаси — бу ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи тўловлари вақтида таъминланиши билан боғлиқ ҳўжалик-молиявий масалаларнинг ҳал этилишига доирдир.

Афсуски, кўпчилик ҳўжалик раҳбарларининг бозор шароитларига кўникама ҳосил қилиши хануз эскича ёндошув ва уларнинг дунёқароши ўзгармагани туфайли қийинчилик билан кечмоқда. Бу эса, ўз навбатида, корхона ва ташкилотлар рентабеллигининг пасайиши, молиявий зарари миқдори кўпайишига олиб келмоқда. Касабаси уюшмаларининг хатти-ҳаракатлари боис ва тегишли тузилмалар билан ҳамкорликда кейинги икки йил ичида корхона ва ташкилотларда ойлик маош буйича қарздорлиқни икки бараварга камайтиришга эришилди. Шу билан бирга айрим ҳўжалик раҳбарлари ойлик маошлари вақтида тўланишида юзага келган сунбий тўсиқлар туфайли маъмурий ҳамда жинойий жавобгарликка тортилди.

Касабаси уюшмалари кун тартибида ишчи-хизматчилар меҳнат хавфсизлиги ва ҳимоясини назорат қилиш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Чунончи, 828 та корхонада ўтказилган текширувлар натижасида 5600 нафар ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари поймол қилинган ҳолатлар аниқланган. 49 мансабдор шахсга нисбатан турли маъмурий жавобгарлик чоралари қўланилди. Шу билан бирга иш жойлари шароитларини яхшилаш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларига ҳисобот даврида 22 миллиард сўм сарфланди. Лекин, йиғилишда таъкидланганидек, бу борада касабаси уюшмалари олдига меҳнат фаолияти билан банд бўлган кишилар ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминланишига доир кўп вазибалар турибди.

Тафтиш комиссиясининг ҳисоботида пойтахт касабаси уюшмалари ташкилотларининг кейинги йиллардаги даромадлари ва харажатлари аниқ кўрсатиб ўтилди. Уюшма бюджетининг 67 фоизи аъзолик бадаллари ҳисобига шаклланади. Ҳисобот даври даромадларининг 26,2 фоизини ҳўжалик субъектларидан маданий-оммавий ва ўқув-спорт ишларини кенгайтиришга йўналтирилган мақсадли маблағлар ташкил қилади.

2004 йилда ижтимоий сўғурта харажатлари 2,6 миллиард сўмга тенг бўлди, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 40 фоизга кўп. Бундан ташқари, ижтимоий сўғурта маблағларининг 41 фоизи ишчилар оила аъзолари билан соғломлаштириш масканларида дам олиши ва даволалишига сарфланган. Пул кўринишида бу рақам 5,3 миллиард сўмни ташкил этади.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Касабаси уюшмалари федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова турли ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги камчиликлар ва муаммолар устида тўхталиб ўтиб, бундай вазиятлар келиб чиқишида мансабдор шахслар билан бир қаторда касабаси уюшмалари вакилларининг ҳам жавобгарлиги бўлишини эслатиб ўтди. Афсуски, олдинги йиллар билан таққосланганда, айна пайтда касабаси уюшмалари харақати фаоллари сони анчага қисқарди. Жумладан, 2001 йилда 547 минг аъзо эга бўлган бўлса, ҳисобот даврининг охирида бу кўрсаткич 30 минг кишига камайди.

Ҳисобот йиғилишида жойларда айрим касабаси уюшмалари ташкилотлари мутасаддилари томонидан ташаббускорлик етишмаслиги, уларнинг кўпчилиги меҳнат жамоаси манфаатини орқага суриб, маъмурият билан «тинч-тотувликда яшаш» сиёсатини илгари суриб келаётганига ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Федерация раҳбари шунингдек, касабаси уюшмалари тимсолида ҳар бир ишчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда асосий меъёрий ҳужжат бўлиб қолиш кучига эга жамоа шартномаларини барча корхона, ташкилот ва муассасаларда жорий этиш механизмининг шакллантириш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Конференцияда Тошкент шаҳар Кенгаши тузилмасига ўзгартириш киритилгани юзасидан ахборот берилди. Эндиликда у Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари



бирлашмаси деб номланади.

Анжуманда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Кўпчилик овози билан Мирзохид Содиқов Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари бирлашмаси раиси этиб сайланди. Шунингдек, республика касабаси уюшмаларининг ҳисобот конференциясига делегатлар таркиби аниқлаб олинди.

Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари IV уюшмалараро конференциясида Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов иштирок этди.

Шу кунги янги таркибдаги касабаси уюшмаларининг биринчи пленуми ҳам бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар муҳокама этилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
СУРАТЛАРДА: конференциядан
лавлалар, Лекин
Наталья Семёнова ва Ҳакимжон
Солиҳов олган суратлар.

Маълум

**ҲАМКОРЛИҚДАГИ
ФАКУЛЬТЕТ**

Тошкент Давлат техника университетининг қатор факультет ва ўқув марказларида ўқишлар инглиз тилида олиб борилмоқда. Олий ўқув юртининг бизнесни бошқариш факультетида ҳам шу йўналишда машғулотлар ташкил этилмоқда.

Бозор иқтисодиёти соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш билан шугулланаётган мазкур факультет бундан ўн йил аввал ўз фаолиятини бошлаган эди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Малайзиядаги "Ренонг Берхард" компанияси билан ҳамкорликда юзага келган бу факультет ўтган қисқа давр ичида кўплаб малакали ёш мутахассисларга йўлланма берди.

Талабаларнинг бир нечтаси эса Малайзияда ўз билим ва малакасини ошириш имкониятига эга бўлмоқда.

**ЯНГИ ЎҚУВ
АДАБИЁТЛАРИ**

Ахборот технологиялари, электрон версия, масофадан туриб ўқиш каби жараёнлар таълим тизимида ўзига хос янгилик сифатида амалиётга татбиқ этилмоқда. Ана шу йўналишларда ўқитишни кенг йўлга қўйиш бўйича олиб борилган ишлар натижаси ўлароқ янги ўқув адабиётлари юзага келди.

Олий ўқув юртлари, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун махсус яратилган бундай нашрлар орасида кимё фанига оид дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам бор.

Таниқли фан арбоби, профессор Нодирбек Юсупбеков бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи ёзган "Кимё технологиясининг жараён ва ускуналари" деган қўлланма мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Бу китоб "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" Республика талновларида гоилиб чиққанлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда "Истеъдод" жамғармаси томонидан ўтказилган бу танловда кимё фанлари доктори, профессор Қудрат Аҳмеров бошчилигида босмага тайёрланган "Умумий ва анорганик кимё" қўлланмаси ҳам совринли ўрин билан тақдирланди.

**ИНШОЛАР
ТАНЛОВИ**

Ўқувчи ёшларда ёзма саводхонлики янада яхшилаш йўлида кўрилатган маърифий тадбирлар кутилган натижаси бермоқда. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида иншола талнови ўтказишга киришилганлиги ҳам айна муддао бўлди.

Хат кўринишидаги иншола танлови ўқувчиларда ўз фикрларини ёзма равишда эркин баён этиш билан бирга почта алоқаси хизмати янада яхшилашда кўл келади.

Жаҳон почта иттифоқининг мамлакатлар ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантиришдан иборат дастурини амалга оширишда ҳам бундай тадбир ўз ижобий натижасини беради.

Иншола почта орқали "Ўзбекистон почтаси" орқали жойларга жўнатилади.

Ўзбек, рус, инглиз, француз, испан тилларида ёзилган энг яхши иншола муносиб тақдирланади.

Акбар АЛИЕВ

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШИМАН

Мен Зулфия опамларнинг ҳамма асарларини севиб ўқиганман. Кўплари менга аллақачон ёд бўлиб кетган. Шоира шеърларида жозоба, ҳаётга, яшашга муҳаббат, инсоний фазилатлар: ҳаё, ибод, гўзалликка интилиш ҳисси билан яшашга уйдовчи пурмаъно сўзлар, иборалар борки, одамни ўйлантириб қўяди. Бу хислатларнинг барини мен ҳам ўз ижодимда мужассам эта олишга интиланман. Мен ҳаётда Зулфия опамларни кўрмаганман. У вақтда биз ёш эдик. Мен ҳассос шоира Зулфия опа ҳақидаги яхши гапларни бувижонимдан эшитганман. Бувижоним Зулфия опа билан 30 йилдан зиёд ҳамсухбат бўлган эканлар.

— "Вафо-садоқат бобида Зулфияхоним ҳавас қилса арзийдиган аёл эдилар", — дейдилар бувижоним. Зулфия опа ҳаётидан лавҳалар айтиб мени ҳайратга солар эдилар. У гапларни эшитиб шоирага яна ҳам ҳурматим ортиб борди. Расмларига узоқ термулиб, опани эртақларда тасвирланган буюк қахрамонларга ўхшатаман гўё. Шу билан бирга Увайсий, Нодирабегим, Зебуннисо, Анбар отинларга қиёс қиламан. Чунки, Зулфия опанинг бемисл инсоний фазилатларини, ижодларини эъозла-

сак арзийди. Шарқ аёлларининг, шунингдек Зулфия опанинг ҳаёти ва ижодлари билан танишиб, уларга ҳавас қиламан, уларнинг изидан борсам дейман. Мен ҳам шеър, ҳикоя, эртақлар ёзаман. Бир неча китобларим кичик бўлса ҳам чоп этилди. 2003 йил менинг ҳаётимда энг қувончли, унутилмас йил бўлди. Мен Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлдим. Бу мен учун жуда юксак мукофот. Бундан беҳад хурсандман ва фахрланаман. Ушбу мукофотни ва менга билдирилган юксак ишончини оқлаш учун

Ватанимиз, халқимизга муносиб фарзанд бўлиш, Зулфия опа изидан бориб, етук шоира бўлиш орзусидаман. **Кутлуг издан илдам юриб бормоқдамиз, Ижодингиз гавҳарларин термоқдамиз, Ҳаёлларда сизла, суҳбат қурмоқдамиз Азиз устоз, қалбимизда Сиз ҳаётсиз.**

Давраимизнинг **гўриласиз, хурмат Сизга, Дил сўзию мушоира, байт Сизга, Шеърлар ёзиб, қувонамиз бари Сизга**



Азиз устоз, қалбимизда Сиз ҳаётсиз! **Малика РАҲМОНБЕКОВА,** Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА
РАҚОБАТБАРДОШЛИК**

Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институтида бозор иқтисодиётга ўтиш шароитида барқарор иқтисодий ривожланиш муаммолари ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Тадбир «Фуқаролар форуми» лойиҳаси доирасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ва Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг (Германия) мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда иқтисодчи, социолог, демограф олимлар иштирок этди. Улар мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари, миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам берувчи омиллар ҳақида фикр юритди. ЎзФА Иқтисодиёт институти директори, профессор А.Қодиров, «Ижтимоий Фикр» маркази директори, академик Р.Убайдуллаева, бошқа таниқли олим ва мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Президентимиз Ислон Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида жамият янада демократлаштириш ва янгилаш концепциясини, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасидаги асосий вазифаларни белгилаб берди. Конференцияда таъкидланганидек, республикаимизни барқарор ривожлантиришнинг бош омили амалга оширилаётган ислохотларнинг босқичма-босқичлигидадир.

Барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланиши, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликнинг муриб таъминланиши, иқтисодиёт ва унинг алоҳида соҳалари мутаносиблиги пухта ўйланган давлат сиёсати бераётган самаралардир. Ислохот йилларида илк бор 2004 йилда ялпи ички маҳсулот 7,7 фоиз ўсди, унда кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликнинг улуши 35,6 фоизни ташкил этди, инфляция даражаси пастигича қолди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми, экспорт кўрсаткичлари ортди, аҳолининг реал даромадлари кўпайди.

Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Райнхард Крумм Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш сиёсатининг бир қисми эканлигини қайд этди.

Бозор иқтисодиёти янада эркинлаштиришни, инвесторлар ва ишлаб чиқарувчилар учун қулай шароит яратишни тақозо этади, дейилди анжуманда. Буни шаклландириш қонунчилик базаси таъминлайди. Қонунчилик эса давр талаблари асосида мунтазам такомиллаштириб борилади. Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш муҳим устувор йўналишлардан бўлиб қолмоқда.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, банк ва молия соҳаларидаги ислохотлар, солиқ сиёсатини такомиллаштириш миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Ишлаб чиқаришни мамлакатимиз ва хориждаги энг илгор технологиялар асосида замонавийлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга.

ЎЗА

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам соҳанинг янги-чи давлат стандартлари ва уларга мос ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Улар ривожланган давлатларнинг офицерлар тайёрлаш андозаларига тўла мос келади.

**ОФИЦЕРЛАР САФИ
КЕНГАЙМОҚДА**

Бугунги кунда юртимиздаги олий ҳарбий билим юртларида жисмонан бакуватув, ақл-идроки юксак, ўз Ватани ва Қуролли Кучлари билан фахрланидиган, сараланган йигитлар таълим-тарбия олмақда. Улар сафига қўшилиш истистада бўлган ёшларни, аввало, шартнома бўйича ва муддатли хизматни ўтаётган иқтидорли ҳарбий хизматчилар орасидан танлаб олишга эътибор қаратилмоқда.

— Олий ҳарбий билим юртларига номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш бошланди, — дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлар бошқармаси қаҳирқачча ёшларни

хизматга тайёрлаш бўлими бошлиғи, полковник Рашид Арамов. — Шаҳримизда ҳарбийликни чинакам касбга айлантириш ниятида бўлган йигитлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Уларнинг соҳага бўлган қизиқишларини ҳисобга олиб, пойтахтимиздаги ҳарбий қисм ва билим юртларида учрашувлар уюштирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳар Мудофаа ишлар бошқармалари ва бўлимларида ҳам офицер бўлишни дилига туккан йигитлар иштирокда ана шундай тадбирлар ўтказилмоқда.

ЎЗА

**"VWD": ЎЗБЕКИСТОН
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ НАМОЙИШИ**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар кўлаб иқтисодчилар, ишбилармонлар, миллий ва халқаро молия ташкилотлари эътиборини тортмоқда. Улардан бири "Бирлашган иқтисодий хизмат" ("VWD") агентлигидир. ГФРнинг ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида фаолият юритиб келаётган мазкур ташкилоти молия-иқтисодиёт соҳасини ахборот ва консултациялар билан таъминлаб турадиган етакчи тизимлардан ҳисобланади. 22 февраль кuni "VWD" веб саҳифасида "Халқаро молия корпорацияси Ўзбекистон Республикаси иқтисодий муҳитида жонланишни кузатиш" мақоласини жойлаштирди.

Мақолада Халқаро молия корпорацияси ва Швейцариянинг иқтисодий масалалар бўйича бош котибяти (SECO) томонидан тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари ҳақида ҳикоя қилинади. Сўровда Марказий Осиё давлатларидан икки ярим мингта кичик бизнес корхоналари вакиллари иштирок этган.

Ушбу электрон нашр Ўзбекистон иқтисодиётидаги жонланишга мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, 2003 йилдан рўйхатга олишнинг янги тартиби жорий қилингани, шунингдек, ҳўжалик субъектларини текширишни тартибга олингани сабаб бўлганини қайд этган. Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида сўров натижалари келтирилган: корхона ва фирмаларни текширишнинг ўртача йиллик кўрсаткичи тўрт йил давомида 6,2 мартдан 1,9 мартгача камайган, янги корхоналарни рўйхатга олиш муддати икки бараварга қисқартирилган.

"Жаҳон" АА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
доню бўлур...

Ўзгаларнинг ҳақидан шилиб, бой-бадавлат бўлган, ҳаром мол туфайли шон-шавкатга берилиб, кишиларни менсимай қўйган ҳар бир инсон кунни келиб, сири фош бўлган, эл олдига хор бўлиб қолади. Барча ундан нафрат қилади. Бу ҳақда шундай ҳикоят бор.

Ўрмон қарғаси ўзини ҳаммадан баян қилиб кўрсатмоқчи бўлди. У турли хилдаги чиройли парларни йиғиб, ўзига қанот ясади. Узини эса, барча қушлардан зебо ва афзал деб ҳисоблади. Бошқа қушларнинг сириндан воқиф бўлишгач, ҳар бири ўз жинсидан қарға юлиб олган парларни тортиб ола бошладилар. Ҳавасбоз қарға яланғоч қолиб, ўз аслига қайтди. Қушлар тўпланиб унга таъна тошини отдилар ва нафрат изҳор қилдилар.

Пасткаш ва такаббур кишиларнинг одати шунки, улар ўзларини барчадан яхши деб ҳисоблайдилар. Улғу кишиларга ҳасад кўзи билан боқиб: «У мим бўпти, ундан менинг нима ва қаерим кам» деб гурурландилар ва ўзларини эл орасида шундай кишилардан баян қилиб кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Бехуда ман-манлик қилиш ва ўз кучи ҳамда қудрати етмаган нарсаларга интилиш киши учун шармандалик ва ҳалокат олиб келади. Бу ҳақда қуйидаги масал машҳурдир.

Бир сизир майсазорда ўтлаб юрарди. Уни кўрган бақанинг ҳасадига ўзи қолди. У ўз болалигига қараб: «Бу сизирнинг семизлигини қаранг, гавдасининг катталигига назар қилинг. Наҳотки мен семизликда ундан қолишсам. Йўқ, мен ундан кўра семизроқман. Мана қараб туринг» дедию бор кучи билан гавдасини шишара бошлади. Бирдан қорни ёрилиб, ўлим чағалига тушди.

Бировга ёмонликни раво кўрган киши оқибат ўзи ҳам ёмонлик қўриши мукаррардир. Бировга чоқ қазисанг, ўзинг йиқиласан, деб бежиз айтилмаган. Бунга қуйидаги ҳикоят мисол бўла олади.

Бир отнинг оёғига тикан кириб ичиди синиб қолди. У қанча қидирмасин яқин орадан жароҳчи излаб тополмади. Ночор бўрига мурожаат қилди. «Агар рози бўлсанг, деди бўри отга, — наштаб тишларим билан тиканни олиб ташлайман».

Бўри ёмон ният билан от оёғини тишлаган эди, тикан сугурилиб чиқди. Аммо буни сезган от, зарб билан бўрининг бошига тегди ва фурсатнинг ганимат билиб, қочиб қолди.

Баъзи бир калтабин кишилар ўзларига фойда келтирадиган оғир меҳнат ва вақтинчалик азобдан қутулганлари учун шоду хуррам бўладилар. Ишонинг оқибатини ўйламайдилар. Фойда ва зарарнинг фарқи бормайдилар. Ҳикоят. Бир киши биринчи марта дарёда кема сафарига чиққан эди. Ногоҳ бурон кўзғалиб кемани қирғоққа урди ва чилпарчин қилиб юборди. Кимсасиз қирғоққа чиқиб олган кишилар кеманинг яқсон бўлганига ачиниб, оҳ-воҳ чека бошладилар. Янги сафарчи эса зўр бериб: «Минг шукри, қирғоққа чиқиб олдим ва ҳалокатдан қутулдим», дерди ва кимсасиз оролда қандай яшашини ҳаёлига келтирмасди.

Янгилик тез тарқалади. Камина хизмат вазифини ўтаётган Ўш вилояти газетаси тахририяти ходимлари орасида дув-дув гап. Нима дейсиз, Тошкентдан «Оқшом» газетасидан Хайитбой (Машъал) Ҳақимов бизнинг газетамизга ишга келатган эмис. Бу гап ҳаммамиз учун қутулган бошқотирма бўлди. Бизнинг тасавурида Машъал ака (уни шундай деб атаётган) номи чиққан, таниқил ёзувчи ва журналист. (Шу вақтгача унинг уч-тўртта китоби чиққан эди). Шундай талант соҳибига пойтахт газеталаридан ҳар жихатдан анча қолоқ бўлган вилоят газетасига келиб ишлаш нима учун керак бўлди экан, деган савол олдимида кўндаланг бўлди. Бу саволга ўзимизча жавоб изладик. Табиийки жавобларимиз ҳам турлича. Биров: «Атайлаб газета иши билан танишиб, унда ишлаётган журналистлар иқтидорини синаш учун келатган бўлса керак», деди. Яна биримиз бошқа сабабни кўрсатдик. Кимдир: «Келгани яхши, ҳар қалай у тахрибга бой, «Тошкент оқшоми»дек нуфузли газетамизга ишлаган инсон. Ундан анча-мунча нарсани ўрганамиз» деган гапни айтди.

Нихоят тушдан кейин газета муҳаррири Одилжон Обидов ҳаммамизни ўз хонасига таклиф этганида юқоридаги саволга «аниқ жавоб топгандек бўлди».

— Хабарингиз борми, йўқми билмадим, Тошкентдан Машъал Ҳақимовдан хат олдим. У бизда ишлаш истагини билдириб: «Биласиз, оиламизда, мен бир неча йилдан бери Тошкентдаман. Ҳар сафар бориб-келиш мени қийнапти. Уларни кўчириб келишимни иложим йўқ. Болалар ишда, ўқишда. Севимли газетам «Оқшом»дан кетиш мен учун қанчалик қийин бўлса-да, оила масъулияти мени шунга мажбур қилапти. Агар илож бўлса газетангиздан кичик бир иш берсангиз» деб ёзибди. Шу масала юзасидан сизларни чақиртирдим, — деган гапни айтди бош муҳарриримиз.

Бир овоздан розилик билдирдик. Кейин Одилжон ака Машъал аканинг сафимизга келиб қўшилиши ҳар жихатдан газета нуфузини оширишини айтиб, биздан ўз ишимизга янада масъулият билан ёндошимизга лозимлигини тушунтирдик.

Ҳафта ўтмай Машъал Ҳақимов ишга келди. Биз уни ҳар қалай ўзига хос машҳурлигини ҳисобга олиб, бир қадар мағрур ва калондимоғ бўлса керак, деган ҳаёлда эдик. Фикримиз ногўёри бўлиб чиқди. У аксинча ниҳоятда камтар, дўлвор, дилқаш, ёшларга ўта гамхўр инсон экан. У билан тез чиқишиб эски кадрдонлардек бўлиб кетдик.

Чиндан ҳам Машъал акадан кўп нарсани ўргандик. Биринчи навбатда тежорликни. — Журналист ҳаёт билан қадам-бақадан юриши, воқеа ва ҳодисаларни иссиқда ёритиши керак. Ўқувчи ҳар бир янгиликдан одамлар оғзидан эшитиб эмас, балки газета орқали ўқиб хабар топсин. Журналистнинг маҳорати ана шунда, — деб уқтирдиди бизга.

Камина асли тошкентлик бўлганим учун ўзга вилоятда ишлаб, ўзимга яраша дўстлар ва обрў-эътибор орттирганимга қарамай, барибир ўз тугилиб ўсган жойим, кадрдон шахрим мени ўзига оҳанграбодек тортиб турарди. Шунинг учун Машъал ака билан кўпроқ мулоқотда бўлар, «Тошкент оқшоми» газетаси тахририятининг иши ва жамоаси билан қизиқар эдим. Буни сезган Машъал ака бир кун:

— «Оқшом» газетасида ишлаш нияти сенда кучли-а? — деб қолди.

Фурсат келганидан фойдаланиб дилимни ёздим.

— Мен ёрдам беришга уриниб кўраман. Сен мана бу китобни ўқиб, унга тақриб ёз. Уни газетамда чоп этиб Саъдулла акага жўнатамиз, — дея қўлимга Саъдулла Караматовнинг «Бир томчи қон» кассасини тутқазди.

Шундай қилдик. «Оқшом» билан алоқам ўшандан бошланди. Севимли газета саҳифаларида кичик-кичик мақолаларим, ҳажвийларим босилиб турди. Энди Тошкентга қайтишимга бир қадам қолгандай...

Шундай кунларнинг бирида «Оқшом» газетасининг ўша йиллардаги бир сони қўлимга тушиб қолди. Хали ҳам ўша газета менда сақланади. Эринман унда чоп этилган мақолаларни бирма-бир ўқиб чиқдим. Айниқса диққатимни газетанинг учинчи бетига эълон қилинган «Шанба оқшоми» саҳифасида берилган материаллар ўзига тортди. Улар ўқимишлилиги билан аҳралиб туришимдан ташқари саҳифада кундалик турмуш учун зарур бўлган маслаҳатлар, ахлоқ-одоб, фарзанд тарбияси билан боғлиқ бўлган мақола, хангомалар, тиббиёт янгиликлари ва бошқа

мавзуларга оид хабар ва лавҳалар бор эди. Саҳифадаги мақолалар орасида «Трамвайдаги воқеа» юмористик ҳикоясини қайта-қайта ўқийверганимдан, у сўзма-сўз ёд бўлиб кетганди. Ҳозир ҳам баъзи кўрсатган арзимас илтифоти ёки яхшилигини пеш қилиб сизнинг хизматингиздан, мансабингиздан фойдаланиш истагини айтишга юрганларни кўрсам ўша ҳаётимиздаги ҳикоя тушаваради. Сизни ҳам астойдил қизиқтириб қўйганимиз учун ҳамда «Оқшом» тарихидан бир лавҳа келтириш мақсадида ўша ҳикояни бор бўйича эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Бир кунни трамвайда кетаётсам, бир нотаниш киши менга жой бериб:

— Марҳамат, ўтиринг, — деди. Мен: «Йўқ, раҳмат, ўтираверинг, мен ёшман, тик турсам ҳам бўлаверарди», — дедим. — Эй, ўтирсангиз огайини, ўтираверинг, — деб зўрлай бошлади. Мен ноилоҳ ўтирдим. Бир неча кундан сўнг ана шу нотаниш киши менга илтимос билан мурожаат қилганида, эҳтимол бу воқеани мен аллақачон унутган ҳам бўлардим. Бир кунни у мени учратиб қолиб:

Чиллар саҳоси

«ОҚШОМ»НИНГ
ЎТГАН КУНЛАРИ

БЕШИНЧИ ҲИКОЯ

— Менга озроқ пул бериб туролмай-сизми, — деб қолди.

Мен ҳайрон бўлиб: «Сиз ўзи кимсиз, мен таниёлмай турибман», дедим. У эса менга кинояли қараб деди:

— Эҳ, азизим, наҳотки эслолмасангиз тувоқ кунни трамвайда жой берувдим-ку, сизга. Эсларидан чиқибди-да а?..

— Эй-й-й, хали сиз ўшамми... Ҳалиги... Ҳа-ха, эсимда. Катта раҳмат огайини, сизга. Ҳамёнимни кавлаб озроқ пул бериб юбордим. Орадан бир ҳафта ҳам ўтмасдан худди шу кескин овоз мени телефонга чақириб қолди:

— Алло, алло! Ўзларимиз? Сизни трамвайда танишган огайинингиз бевозта қилапти. Танияпчиларми?

— Ие, ие, бўлмасамчи, ҳа танияпман. Хуш?

— Сиздан кичкинагина бир илтимос, агар малол келмаса. Бир қариндошимни техникумга киритишга ёрдам берсангиз. Бунда сизнинг таъсирингиз бор дейишарди.

Мен бу гал ҳам ёрдамимни аямасдим. Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас унинг ўзи кабинетимга ҳозир бўлди.

— Эсингиздами, мен ўша ҳалиги.

— Эй, ҳа, қани, қани ўтирсинлар.

— Яна ёрдамингизга келдим. Акамиз жой солаётган эдилар, малол келмаса озроқ шифер-мифер пича тахтадан... Бу гал ҳам ёрдам бердим. Бир ойдан сўнг у уйга келиб хотинимга:

— Эрингизнинг трамвайда танишган огайинисиман, айтган бўлсалар керак, — деди.

— Ҳа, эшитгандим, — деди хотиним ва уни чойга таклиф этди.

— Раҳмат, мен чойга эмас, ҳалиги ёрдам сўраб... — деди меҳмон. — Миллицияга элтиб бериш учун иш жойимдан справка керак эди.

— Қанақа справка, — дедим гапига тушунмай.

— Нима деб тушунтирсам экан. Биласизми, мен ҳеч қаерда ишламайман. Шунинг бир иложини қилсангиз. Сиздан илтимос қилиб келувдим...

— Ие, бу қанақаси, мени жиноятга зўртмоқчимисиз? — деб юбордим ўртимни тутолмай.

— Ҳа, хали шунақами, — эсингиздан чиқибдида, трамвай лик тўлалигида...

Бир амаллаб справка ҳам ёзиб бердим.

...Суд мени гувоҳликка чақирди. Қора курсида трамвайда менга саховат кўрсатган танишим ўтирарди. У мени кўриши билан оқшом ўрнидан кўзгалдида, илтифот қилди:

— Утиринг, ўтиринг...

Бу албатта «Оқшом»нинг ўтган кунларидан бир лавҳа. Аслида ўша йиллари «Оқшом» газеталари жуда қўлпаб ранг-баранг мавзуларни ёритиши билан ўқувчилар ҳаётига янада яқинроқ кириб борган давр эди. Хусусан, бу ҳақда гап борганда «Улмас сиймоларимиз» ружини остида берилган Мулла Тўйчи Тошмухамедов ҳаёти йўлига оид, дастурхонимиз кўрки бўлган нон маҳсулот

билан боғлиқ саҳифаларни, «Адабиёт ва санъат», «Дўстлик ва кардошлик» мавзуси ҳақидаги, шунингдек, Эстония санъати ўн қунлигига бағишланган, зилзиладан зарар кўрган Тошкентни қайта тиклашда фаол қатнашган украиналик қўли гул бинкорлар меҳнати муваффақияти ҳақида ҳикоя қилувчи махсус сон ва бошқа бир қатор саҳифаларни келтириш мумкин.

Тошкентда ҳар келганимда баъзан Машъал аканинг дўстларга саломини топшириш ва ҳамкасбларимизнинг бирон-бир илтимосини қондирishi мақсадида «Тошкент оқшоми» тахририятига албатта кириб ўтардим. Борди-қелди сабаб бу ерда ҳам ўзига хос дўстлар орттирган эдим. Ўткир Хошимов, Тўлқин Раҳимов, Раҳматулла Фаёзуллаев, Насриддин Муҳаммадиев, Абдусамид Обид-хўжаев, Абдулла Пулатовлар билан анча кадрдон бўлиб қолган эдик. Улар ўта ҳазилқаш, бир-бирлари билан ниҳоятда самимий, дилқаш эдилар.

Шундай йўқловлардан бирида кизик бир воқеанинг устидан чиқиб қолдим.

— Яхши келдинг, — деди Тўлқин ака салом-алиқдан сўнг. Утир, ҳозир ажайиб бир саҳна кўринишининг гувоҳи бўласан.

Шу газетамда ишловчи бир кадрдонимиз телефонда овозини ўзгартириб аёл киши монанд гапларарди.

— Нера чикмадингиз, сизни роса кутдим. Ҳозир яна ўша жойда сизни поилаб турирбман. Кеча айтганимдек сўзимда қора кўзойнак, эгнимда маргилон атласидан тикилган қўйлак, қўлимда кизил сумка, тезроқ чиқарсиз! Яна кечагидек кутиб қолмай... У томондан нима овоз келди, эшитмадик. Кейин гўшак жойига қўйилди. Хонада ўтирганлар бараварга бор овозлари билан қулишди.

Маълум бўлишча, тахририятга шоир Кенжа Ҳамроев (охирати обод бўлсин) яқинда ишга келган экан. Бояги кадрдонимиз кўнгил ёзиб, бироз чарчоқни қолдирish мақсадида гўё Кенжа акага хуштор аёл бўлиб боғланган экан. Бу мулоқот бир неча кундан бери давом этиб, бечора Кенжа Ҳамроев чиройли овоз соҳибни бўлган бу аёл билан танишиш мақсадида учрашув белгиланган жойга бораварар, лекин уни учрата олмай асабий бўлиб қайтаверар экан. Эртасига эса яна шунақа телефон.

— Қаранглар, — деди шунда Тўлқин ака рўнардан ўтиб бораётган Кенжа Ҳамроевни ойнадан кузатиб, — Азизларим, энди бу ҳазилни бас қилмасак бўлмайди. Шундай қилиш керакки, Кенжа Ҳамроев ўша ла-тофатли аёлдан воз кечсин...

Ниҳоят аёлни яна учратолмай хуноби чиқиб, тахририятга қайтаётган Кенжа Ҳамроев хонага таклиф қилинди. Атрофдан берилган қитмир саволларга Кенжа ака сир бой бермади. Шунда у ҳамкасбларидан бор ҳақиқатни эшитиб, ўзининг бу алданувчан ва ишонувчанлигиндан роса қотиб-қотиб қолди.

Шоир ва журналист Темура Убайдуллаев эсдаликларидан:

— Унда «Оқшом» гуриллаб чиқиб турган, обрўси тилга тушиб газета дўконларида одамлар навбатда туриб шу газетани харид қиладиган вақтлар эди. Таниқли шоирлар, адабларнинг асарлари унинг саҳифаларида бот-бот чоп этиларди.

Ҳаваскор пайтимиз, номи газета бўлса бас, ўзимизча зўр деб ҳисоблаган шеърларни, достонларни қўлтиклаб шу тахририятга бораварардик. Аксарик ходимлар биздан безорихон бўлганди.

«Оқшом»да шеър чиқариш жуда фахрли бўлиб қолди. Ошман Шавкат Туроб омадларроқ экан. Уч-тўрт машқари шу газетамда чоп этилди. Мен ҳам тахририятга тез-тез бориб турардим. Худди тўрайдек бетиним Усмон Юсуповни (охирати обод бўлсин) илк бор шу «Оқшом»да учратганман.

— Ҳа шоир келинг, — деди у киши. — Келинг, ўтиринг, — ўзи қоғоздан бош кўтармасди.

Шеърларимни узагандим, олиб ўқиб чиқди. Шунчалар тез ўқидики, ўзим ҳайрон қолдим.

— Мана бу иккитаси яхшироқ экан. Имон бўлди бериб юборамиз, — шундай деб Усмон ака яна ишга шўнғиди. Бироз ўтириб, ҳайр деб чиқиб кетдим. Уч ойда имкон топилди чоғи, «Гулдан ўрганма» деган саккизликим дунё юзини кўрди.

Биз юқорида «Оқшом»нинг 1970 йиллар фаолиятиндан баъзи мисолларни келтирдик ҳолос. Албатта, ўтган йиллар мобайнида газета катта йўлни босиб ўтди. Бугун бу йўлларга ботар эканмиз, унда из қолдирилган ҳар бир одимнинг муҳим бўлганини ҳис этамиз. «Оқшом» газеталари йиллар давомида ўзинини ўзгартирмай, ўз йўли, ўз услуби билан чиқиб келатганидан фахрланамиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Ажойиботлар оламида

ДУНЁДА ЭНГ...

1967 йил самолётни бошқарувчи учувчилар эътиборини банд қилган оқушлар тортди. Аниқ ҳисобларга қараганда, оқушлар парвоз қилаётган баландлик ердан 8530 метр. Уларнинг Буюк Британиядаги Гебрид оролидан учиб ўтаётганларида аниқ ўлчашга муваффақ бўлинган ва Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га киритилган.

Қуруқликда яшовчи мавжудотлар орасида туяқушнинг кўзи энг катта, 5 см бўлиб, 1999 йил Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га киритилган.

Апндис кондор деб аталмиш куш барча қушлар орасида энг улкани бўлиб, унинг оғирлиги 9-12 килограмм. У қанотларини ёзганида, узунлиги 3 метрга бориб, Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га киритилган.

Кунчиқар Япония мамлакатидея Феникс қўши бўлиб, уни ҳамма японлар малла ранг товук деб ҳам аташади. Хўрознинг думи, патлари билан мутахассислар томонидан 1972 йил кузида ўлчанганда узунлиги 10,6 метрни ташкил этиб, 1999 йил Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га киритилган.

Биолог мутахассислар қушлар, ҳайвонларнинг қадими катта-кичиклигини кузатишганида, ваҳший ҳайвонлар ҳужум қилган пайтда, туяқушнинг қадами оралиги 7 метр бўлиб, тезлиги эса 75 км/соатни ташкил этгани учун ҳам Гиннеснинг 1999 йил чоп этилган "Рекордлар китоби"га киритилган.

"Австралия великани" деб аталадиган қушнинг тумшугини мутахассислар ўлчашганида, унинг узунлиги 47 см.ни ташкил этиб, Гиннеснинг 1999 йил чоп этилган "Рекордлар китоби"га киритилган.

Канаданинг Торонто шаҳри еростида узунлиги 27 км. келадиган савдо мажмуи бўлиб, унинг майдони 371.600 м.кв келади. Шунинг учун ҳам Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га 2000 йил киритилган ягона савдо иншооти.

"Мейси" универмаги АҚШнинг Гавайи ҳудудидея жойлашган бўлиб, 20 чек жойни эгаллагандир. У 11 қаватли бинодан иборат бўлиб, "Мейси" компаниясига қарайди. Шунга айтиш керакки, "Мейси" универмагининг умумий майдони 198.500 м.кв бўлиб, Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га кирган улкан универмагдир.

Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлиб ўтган "Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг роли" мавзусидаги амалий семинарда ана шундай долзарб саволларга жавоб изланди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, қонунчиликини мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази ҳамда Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамкорликда ўтказилган ушбу анжуманда шаҳар прокуратураси, ички ишлар Бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, шаҳар прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси, адлия тизими ходимлари, республика савдо-саноат палатаси раҳбарлари, пойтахт туманлари ҳокимлари ва банк бошқаруви раисларининг ўринбосарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва бир гуруҳ тадбиркорлар иштирок этишди.

Семинарда Юртбошимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган зарурий тадбирлар ва бу борада прокуратура органлари ходимларининг масъулиятини ошириш хусусидаги фикрларига алоҳида эътибор қаратилиб, сўзга чиққан профессор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, Тошкент Давлат юридик институти ректори Мирзаюсуф Рустамбоев, Республика Бош прокуратураси Қонунчиликини мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори Эркин Абзалов, Республика Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Фозилжон Отахонов, Тошкент шаҳар ҳокимияти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Зафар Тўйчиев, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси президенти, юридик фанлари номзоди Баҳром Саломов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни билан фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиғи учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратиш, уларнинг ишчанлик фаолигини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифалари

амалга оширилган 203 та назорат тадбирлари доғамидея аниқланган қонун бузилишини бартараф этиш тўғрисида 242 та тақдирнома киритилган, 372 нафар шахс оғохлантирилган, 860 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган, жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 69 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Лекин шунга қарамай тадбиркорлик фаолиятига жиддий тўсиқ бўлаётган муаммолар мавжуд. Бу ҳақда семинарда сўзга чиққан тадбиркорлар ҳам алоҳида фикр билдиришди ҳамда мутахассислардан ўз саволларига аниқ жавоблар олишди.

— Тадбиркорлик ривожига иқтисодийнинг раванқида, ҳалқимиз фаровонлиғида муҳим ўрин тутар экан, биз қонун ҳимоячилари уларнинг ҳимояси йўлида бутун кун-гайратимизни сарфлашимиз лозим, — дейди Тошкент шаҳар прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Худойкул Турдибоев. — Тадбиркорлар прокуратурага жазолановчи орган сифатида эмас, яқин ҳамқори сифатида мурожаат этишларини истардим. Бизнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги савий-ҳаракатларининг уларнинг ўз фаолиятини ривожига иштиёқларини янада орттириши муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир тадбиркор ўз ҳуқуқий билимларини ошириш йўлида ҳаракат қилмоғи лозим. Президентимизнинг "Биз барчамиз, биринчи навбатда қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла ҳал бўлишимиз, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак", деган сўзлари келгуси фаолиятимизда вазифаларимизни белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Амалий семинар сўнгида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг самардорлигини оширишга қаратилган тасмалар қабул қилинди.

Шарифа ИЛЁСОВА

Долзарб мавзу

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири—хусусий тармоннинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш эканлиғи алоҳида таъкидланар экан, бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам аниқ белгиланди. Тадбиркорликни янада ривожлантиришга ҳисса қўшишда, тадбиркорларнинг ҳимоясида прокуратура органлари зиммасида қандай масъулият турибди. Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишда прокурор назоратининг аҳволи қандай, тадбиркорда қандай муаммо бору у қай йўсинда бартараф этилади, ана шу ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимоясида адвокатнинг роли борми? Қонун ҳимоячилари этика қондаларига риоя этадими? Прокуратура билан тадбиркорлар муносабатларини мустаҳкамлашга эътибор қаратиляптими? Нима учун тадбиркорнинг иштиёқи сўнмоқда?

ри белгиланган. Аммо амалиётда ана шу қонун талабларини бажармаслик ва айрим ҳолларда уларни бузиш асосли эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Ўтган йил мамлакатимизда ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида маҳаллий ҳокимликлар, шунингдек мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган тадбиркорларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ бўлган 260 та меъёрий ҳужжатлар қонун талабларига зид бўлганлиғи учун прокурорлар протестларига асосан бекор қилинди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан

ларини ошириш йўлида ҳаракат қилмоғи лозим. Президентимизнинг "Биз барчамиз, биринчи навбатда қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла ҳал бўлишимиз, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак", деган сўзлари келгуси фаолиятимизда вазифаларимизни белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Амалий семинар сўнгида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг самардорлигини оширишга қаратилган тасмалар қабул қилинди.

Тадбирлар

ЭКОЛОГИЯ ВА МАДАНИЯТ

Бугунги кунда бир қатор экологик масалалар, айниқса Орол денгизининг қуриши, чикиндилар, масаллар, сувларнинг ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, биохилма-хилликнинг камайиб бориши, экологик таълим-тарбия, экологик маданиятни ривожлантиришда учраётган камчиликлар ва муаммолар долзарблғична қолмоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун давлат ва нодавлат ташкилотларнинг, кенг жамоатчиликнинг, айниқса ёшларнинг имкониятларини бирлаштириш давр талаби бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Улар ҳар бир соҳада, саноат, қишлоқ ҳўжалиғи, бизнес, таълим соҳаларида фаолият юритмоқдалар. Ёшлар мамлакатимиз келажакидир. Шунинг учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланишга эришиш нуктаи назардан уларни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб, табиатга меҳр ва ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

«Экосан» Халқаро ташкилоти бу борада мунтазам ёшлар орасида экологик тарғибот ишларини олиб бормоқда. Шу боис «Экосан» ёшлар уюшмаси, ёшлар експортларменти ташкил этилди. Бундан асосий мақсад ёшларни атроф-муҳит муҳофазасига йўналтирилган дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб этишдир. Шу жумладан «Экология ва саломатлик кунлари», «Ёшлар ва атроф-муҳит», «Ер хартияси», «Янги авлод экологлари», «Келажакимиз ва экология» ҳамда «Болалар экология ва саломатлик» ва бошқа тадбир ҳамда анжуманлар фикримиз далили.

Кунга кеча «Экосан» халқаро ташкилоти Ҳамза тумани ваколатхонаси ва Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ҳамкорликда тумандаги 204-мактабда «Экология ва маданият» мавзусида тадбир ўтказишди. Тадбирда сўзга чиққанлар ўқувчиларга ёшлардан она табиатга меҳр қўйиш, атроф-муҳитни ифлослантирмаслик, оби ҳаёт бўлган сувни қадрлаш, исроф қилмаслик, яшил дарактлар, усим-

ликларни эҳтиёт қилиб, парваришлаш асосий бурчимиз эканлигини таъкидладилар.

Мақтаб ўқувчилари ўзларининг она замин, табиатга бўлган меҳрини тараннум этувчи шеър ва қўшиқлари, қизиқарли сахна кўринишлари билан тадбирга ўзгача фойз киритдилар. Ушбу тадбирини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад — мамлакатимиз келажак бўлган ёш авлод орасида экологик маданиятни ривожлантириш, дунёқарашини шакллантириш, уларда она табиатга бўлган меҳр-муҳаббатни уйғотишдан иборат.

Қизиқарли ўтган тадбир сўнгида «Экосан» Халқаро ташкилоти Ҳамза тумани ваколатхонаси томонидан мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларига «Джилли Джем Атроф-муҳит ва инсонлар ҳимоячиси» номли китоб тарқатилди.

Дилором ИКРОМОВА

Мунажжам башорати

ТАВАККАЛИГА ИШ ТУТМАНГ 2 март, чоршанба

Бугунги кун доноликка ошно бўлинадиган, сирли киллиларни ўрганиб, уларни амалиётда қўлайдиган кун. Кишилар билан мулоқотлардан ўзингизни олиб қочманг, аксинча, ўзаро таъриба ва ахборотлар алмашишга, ўз билим ва кўникмаларингизни ўртоқлашишга ҳаракат қилинг. Бугун устоз-шогирд муносабатлари мустаҳкамландиган, маънавий билимлар улашладиган кун. Боз устига келгуси ҳаётингизда асқотадиган фойдали нарсаларни ўлаштириб олишга интилиш ҳам керак.

Сизга тақдир этилган кўмакдан юз ўтirmанг, ўзингиз ҳам бошқаларга ёрдам беринг. Таъмирлаш ишлари ҳамда бошқа жойга кўчиб ўтиш учун ҳам бу кун қўлай ҳисобланади. Ҳаммом, терини тозалаш, баданни уқалаш ва силлаш ҳам фойдалли.

Мабодо, чармдан ясалган буюм тоғиб олсангиз, суҳбат давомида тасодифан ўз исмингизни эшитиб қолсангиз ёки эрталаб кетма-кет уч марта аксирсангиз — булар ҳаётингизда рўй бериши қўлайлаётган яқин ўзгаришлардан дарақдир. Агар кўйимингиз йиртилса, тирюажингизни сиңдириб қўйсангиз ёхуд оёбингизга сув тўқилса — булажак ноҳушликларга ишора деб билинг уларни.

Қўралган тушларингиз башоратли ҳисобланади. Мабодо тушингизда турли товушлар қўлонингизга қалинса — у ёки бу вазиятда ўзингизни қандай тулашни билиб оласиз. Агар тушингизда эшик оқсангиз ёхуд китоб ўқисангиз, бу аломатларни омадли ўзгаришлардан ниҳоза деб қабул қилишигиз мумкин.

Бугун оғир ҳам бўладиган гушти таомлар истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Жигар ва ўт пуфга, шунингдек бадан териларингиз заифлашиб, хасталикларга мойил бўлади.

Ёрқин, ола-була ва ялтирок кийимлар кийинг. Олтинранг, настарин гули рангидея либослар ҳам шу кун руҳига мос келади. Қулранг, қора ва жигаранг либосларни нарийрок суриб қўйинг.

Чоршанба маслаҳатлари: — бугун ўз олдингизга мураккаб бўлмаган ва енгил ҳал этиладиган вазифаларни қўйинг;

— кўндалик муаммоларингизни эркин ечишга ҳаракат қилинг; — меҳнат ва дам олиш учун ўзингиз ва атрофингиздагиларга қўлай шароитлар яратинг;

— бугунги кунни китоб мутолаасига, маънавий салохиятингизни оширишга бағишланг;

— шифокор ҳузурига ташриф буюришга ҳам вақт топинг. Режабга қўйган янги ишингизни бошлашдан, бировни алдашдан, ўз саломатлигингизга эътиборсиз бўлишдан ҳамда ҳулосалар чиқаришда шошқалоқидан эҳтиёт бўлинг.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгазининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият қўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ниҳоза деб қабул қилишнинг теширишларнинг қонунийлиғи ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Футбол

ОЛДИНДА ФИНАЛ

Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда «Пахтакор» клуби ҳамкорликларидан шохримизда илк марта ташкил этилган «Тошкент халқаро турнири» мухлисларга аjoyиб футбол спектаклини намойиш этмоқда.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси аъзолари дастлабки ўйинда Арманистоннинг «Пюник» клуби футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлуб этгани ҳақида хабар бергандик. Кейинги беллашуларда куйидаги натижалар кайд этилди.

Беларус ёшлар терма жамоаси — «Сконто» (Латвия) — 3:2, «Пахтакор» — Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2:1, «Нефтчи» — «Сконто» — 0:2, «Пюник» — «Пахтакор» — 0:2, «Нефтчи» — Беларус ёшлар терма жамоаси — 5:1

Демак ўзаро учрашулар натижаларига кўра КЕЧА учинчи ўрин учун баҳс Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳамда «Сконто» клуби ўртасида ўтказилди.

БУГУН

эса мухлислар азалий рақиблар «Нефтчи» — «Пахтакор» жамоалари ўртасидаги финал ўйинининг гувоҳига айланишади.

«ПАХТАКОР-2» КУБОК СОҲИБИ

Ўзбекистон футбол федерацияси Кубоги турнирининг ярим финали «Пахтакор-2» жамоасига омад келтирди.

Кизиги шундаки, ушбу беллашувда пахтакорчилар шаҳримизнинг яна бир жамоаси «НВУ-Осиё» футболчилари билан ўзаро куч синашишди. Мурасасиз, шиддатли баҳсда 2:1 ҳисобида рақибларини енга олган «Пахтакор-2» жамоаси финалга йўланма олди.

Шунингдек, «Кимёгар» — «Тўпаланг» ўртасида кечган иккинчи ярим финал учрашувида томонлар асосий вақтда муроса йўлини танлашди — 0:0. Пенальтилар сериясидаги баҳс 6:5 ҳисобида «Тўпаланг» футболчиларининг ғалабаси билан якунланди.

«Пахтакор — 2» — «Тўпаланг» ўртасида кечган финал баҳси ҳам қизқарли ва шиддатли хужумларга бой ўтди. Учрашунинг асосий вақти 1:1 ҳисобида якунланган голибни аниқлаш учун пенальтилар белгиланди. Унда рақиблари дарвозасини уч бор аниқ нишонга ола билдиб ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолган «Пахтакор-2» жамоаси Ўзбекистон футбол федерацияси Кубоғининг соҳибни бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

«Боулинг Юлдуз» қўшма корхонасига тегишли Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан берилган № 4505024203 сонли Ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

2005-Сухат-саломатлик йили

СТАРТДА — ҲАВАСКОР ЧАНҒИЧИЛАР

«Эл соғлиги — юрт бойлиги», деганларидек, мамлакатимизда Сухат-саломатлик йилида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, айниқса ҳаваскорлар ўртасида ҳар хил спорт турлари бўйича қизқарли мусобақаларни ташкил этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Di sport» ва «Terra Group» компаниялари ҳамкорлигида ва «Seag MAG» нашриёт марказининг қўллаб-қувватлаши остида яна бир хайрли ишга қўл урилди — аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини фаоллаштириш, республикада тоғ чанғиси спортини янада ривожлантириш, хушманзара Чимёнда жойлашган ноёб «Чимён оромгоҳи» тоғ чанғиси мажмуасига спорт ихлосмандларини жалб этиш мақсадида ушбу мажмуада «Salomon Cup» мусобақалари ташкил этилди. Мазкур нотижорат турнирида элликака ақин ҳаваскор тоғ чанғиси ишқибозлари ўз кучларини синаб кўришди.

Шуни айтиш керакки, ушбу қизқарли мусобақалар давомида илк бор тоғ чанғиси спорт ишқибозларида ўзларини ҳақиқий профессионал спортчилардек ҳис этиб, дўстона рақобат руҳи орқали баҳс юритишлари имконияти пайдо бўлди. Мусобақаларда 16 ёшдан юқори бўлган, соғлом турмуш тарзини ҳаёти шиорига айлантирган ҳақиқий ҳаваскорлар куч синашишди.

Кўп сонли ишқибозлар ушбу ўзига хос тоғ чанғиси байрами иштирокчиларини қизгин қўллаб-қувватлаб туришди.

Албатта, муҳими юқори натижалар кўрсатиш эмас, балки турнирда қатнашиб ўз имкониятларини баҳолаш мақсади бўлганлиги учун трассада дўстона вазият ҳукм сурди. Қатнашчилар 350 метрлик трассани айланиб ўтиб тезкорлик билан тушишлари керак эди.

Шундай қилиб, саралаш босқичидан сўнг 16 нафар энг кучли ҳаваскорлар голиблик учун курашнинг давом этиришди. Бунда энг юқори натижаларни — 31,0; 31,5 ва 32,1 сония вақтни И.Бородайкин, Ким Хесу ҳамда М.Асадовлар кўрсатишди.

Сўнг олимпия тартибидан нимчорак, чорак ва ярим финал баҳслари ўтказилди.

Ярим финалдаги аjoyиб маҳорати ҳисобига икки энг кучли ҳаваскор чанғичи — Игорь Бородайкин ва Камол Асадовлар голибни аниқлаш

мақсадида сўнгги бор баҳс юритишди. Кучлар шунчалик тенг эдики, голиб кикитадан уриниш натижасида аниқлан-



ганлиги сабабли биттасида Бородайкин, иккинчисида эса Асадов голиб чиқди. Фақат, умумий натижа ҳисобга олинганда 53,2 сония натижа билан Бородайкин «Salomon Cup» мусобақасининг мутлақ голиби деб топилди. 54,3 сония натижа кўрсатган Камол Асадов эса иккинчи бўлди. Бехруз Шомухамедов фахрли учинчи ўринни эгаллаган бўлса, Андро Шилокадзе кучли тўртликдан ўрин олди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлар, энг қизикқон мухлислар учун ҳам ҳар хил қизқарли танловлар ўтказилди, «Adidas -Salomon AG» савдо маркази корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги чанғиларнинг тақдими ташкил этилди.

Турнир якунида ташкилотчилар — «Di sport» ва «Terra Group» компаниялари томонидан кучли ўн олтиликка кирган қатнашчилар, совриндорлар мукофотланди. Мусобақа голиби Игорь Бородайкинга эса махсус кубок, диплом топширилди ва у «Di sport» дўконидан 200000 сўмлик харид учун чек билан тақдирланди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА: хушманзара «Чимён оромгоҳи» соғломлаштириш мажмуасида бўлиб ўтган «Salomon Cup» мусобақаси қатнашчи ва голиблари.

Ҳажимжон Солихов олган суратлар.

Олимпия ҳаракати

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Шаҳримиздаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитасининг XII Бош ассамблеяси бўлиб ўтди. Бош ассамблея ҳисобот-сайлов йиғилишида ўтган олимпия даври — 2001-2004 йилларда амалга оширилган ишлар батафсил сарҳисоб қилиниб, келгуси йиллар учун фаолият режалари белгиланди.

Тарихга қисқача назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси 1992 йил 21 январда ташкил этилган бўлиб, орадан икки йил ўтгач Халқаро Олимпия Кўмитасининг 101-сессиясида мазкур нуфузли ташкилотнинг тўлақонли аъзоси сифатида эътироф этилиб, кенг қўламдаги фаолиятини бошлаган. Шу тарихи олимпиячиларимиз республикамиз байроғи остида 1994 йилда Лиллехаммердаги киши олимпиадада, 1996 йилда эса Атлантада ўтказилган XXVI ёзги олимпиадада илк бор мустақил жамоа сифатида иштирок этишган. Ва юртимизда спорт турлари ҳамда олимпия ҳаракатининг ривожига давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз томонидан кўрсатилмаётган муҳим эътибор ва ҳар томонлама кўмакнинг натижаси ўларок ёзги олимпиадаларда спортчиларимизнинг иштироки ва эришаётган натижалари тобора яхшиланиб

бормоқда. Хусусан, 1996 йили 58, 2004 йили 41-ўринларни банд этган бўлсак, Грецияда бўлиб ўтган охириги олимпиадада спортчиларимиз 2 та олтин, битта кумуш ва 2 та бронза нишонларини қўлга киритган ҳолда умумжамоа ҳисобида 202 мамлакат ўртасида 34-бўлишди. Шунингдек, олимпиячиларимиз китъа мамлакатлари ўртасида еттинчи, МДХ бўйича эса бешинчи ўринни эгаллашди. Сўнгги олимпиадада хусусида сўз борар экан, бокс федерацияси ва спорт курашлари ассоциациясининг самарали фаолияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Албатта, ютук бор жойда камчиликлар ҳам бўлади. Анжуманда етарли имкониятлар мавжуд бўлса ҳам масалан, академик ва байдаркада эшак эшиш, сузтиш, трамполин, таэквондо ва бошқа спорт турлари бўйича улардан унумли фойдаланилмаганлиги қайд этилди. Суст ишлаётган вилоятлардаги аҳвол

таҳлил қилинди.

Ассамблея давомида республикада олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, спортчиларимиз маҳоратини ошириш, хусусан янги олимпия циклидаги нуфузли мусобақаларга — 2005 йил юртимизда ва 2007 йили Козогистонда ўтказиладиган Марказий Осиё ўйинлари, 2006 йили Катарда ташкил этиладиган XV Осиё ўйинлари ҳамда бош мусобақа — Пекинда ўтадиган 2008 йилги XXIX ёзги Олимпиада ўйинларига муносиб тайёргарлик кўриш масалалари тўғрисида сўз борди. Ўзбекистон МОҚ таркибидagi «Хотин-қизлар ва спорт», «Атлетлар» комиссиялари таркиби тасдиқланди.

Тадбир сўнггида энг яхши спорт федерациялари, энг яхши мураббийлар, йилнинг энг яхши спортчилари ҳамда спорт соҳасини энг яхши ёритган журналистларга мукофотлар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ

Тошкент шаҳар солиқ идораларидаги бўш ўринларга ишга кириш истагини билдирган номзодлар учун танлов бошланганлигини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- Иқтисодчи, бухгалтер ва ҳуқуқшунос ихтисоси бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлишлари;
- Ҳарбий ёки муқобил хизматни ўтаган бўлишлари;
- Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлишлари;
- Ўзбекистон республикаси фуқароси бўлишлари шарт.

Номзодлар тегишли ҳужжатларни жамлаш ва топшириш учун ўзлари яшаб турган туман Давлат солиқ инспекцияларининг кадрлар билан ишлаш бўлимига 2005 йилнинг 1 апрелигача мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тираж офсет усули босилади. 3009 нускада босилади. Қотоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сенанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқиди. Напр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.